O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тикланиш — миллат келажаги

# MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 11-aprel, chorshanba, 15 (398)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ЯНГИ ҚОНУН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция ва партия Марказий кенгаши аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фракция аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи йиғилиши муҳокамасига қўйилаётган бир қатор қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди. Йиғилишда иштирок этган Давлат мулки қўмитаси раиси ўринбосари Камолиддин Толипов депутатларга мамлакатимизда қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланиши, мазкур соҳада ислоҳотлар чуқурлашгани, иқтисодиётнинг алоҳида йўналишлари ва фонд бозорининг ривожланиши босқичма-босқич амалга оширилгани тўғрисида ахборот берди.

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор қонунлар қабул қилинган. Лекин уларнинг алоҳида меъёрлари бир-бирини такрорлаши, айрим моддалар жаҳон талабларига мос келмаслиги янги қонуннинг қабул қилинишини тақозо қилади. Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан ушбу қонун лойиҳаси тайёрланди.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилнинг 2 апрель куни бўлиб ўтган фракция йиғилиши қарорларининг ижроси тўғрисида ҳам депутатларнинг ахборотлари эшитилди.

Фракция йиғилишида партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

Сайёр раёсат йиғилиши

## ХОРАЗМ ТАЖРИБАСИ: ИБРАТ ВА ТАШАББУС





***Урганч шаҳрида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг сайёр раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ҳаёти билан боғлиқ бир қатор масалалар, партиянинг омма ўртасидаги мавқеи, вилоят кенгашларининг иш фаолияти муҳокама этилди. Йиғилишда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Марказий кенгаш ходимлари, вилоят кенгашлари раислари ва партия фаоллари иштирок этишди. Раёсат йиғилишини партия Марказий кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.***

"Миллий тикланиш" демократик партияси халқимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бориб, кенг омма орасида танилмоқда. Айниқса, бу кейинги йилларда яққол сезиляпти. Бундай ижобий ҳолни мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида кўриш мумкин. Натижада одамлар ўртасида партиянинг мавқеи ортиб боряпти.

Бу борада Хоразм вилояти тажрибаси оммалаштиришга арзийди. Ҳудуддаги 155 та бошланғич ташкилот 2,5 мингга яқин партия аъзосини бирлаштириб, барча жабҳаларда фаолият юритмоқда. Партия аъзолари партиянинг миллий ватанпарварлик ғояларини илгари суриб, Президентимиз томонидан эълон қилинган "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурини бажаришда, ёшларни ватанга муҳаббат туйғулари руҳида тарбиялашда, уларни терроризм, турли экстремистик оқимлардан сақлаб қолишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бунда аввало, бошланғич партия ташкилотларининг алоҳида ўрни бор. Амалий ишлар дастлаб мазкур бўғинларда рўёбга чиқади. Натижада туман кенгашларида ҳам ишнинг самараси яққол кўзга ташланади. Масалан, Хонқа, Қўшкўпир, Шовот туман кенгашлари



ва Урганч шаҳар кенгаши иш тажрибаси фикримизга мисол бўла олади.

Тадбир пайтида раёсат йиғилиши қатнашчилари Янгиариқ туман кенгаши ва Янгиариқ туманидаги «Остона» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бошланғич партия ташкилотининг фаолияти билан яқиндан танишдилар ва партия фаоллари билан учрашдилар.

Партия сафларини фидойи ва ташаббускор аъзолар ҳисобига тўлдириш ҳам ўз самарасини беряпти. Ана шундай инсонлар танлаб олинаётганлиги боис иш жонланиб бормоқда. Пировардида партия ходимлари ўртасида тажриба алмашиш, ўз билимларини мунтазам равишда ошириб бориш анъанага айланган.

Аъзолик бадалларини ўз вақтида тўплаш ҳам партия фаолиятининг асосий вазифаларидан биридир. Вилоятда бу масала ҳам ижобий ҳал этиб келиняпти. Туман ва шаҳар кенгашлари ҳисоб рақамларида доимо маблағ мавжудлиги боис мунтазам равишда турли хил тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Партиянинг жорий йил 21 февраль куни бўлиб ўтган раёсат йиғилишида ўтган йилдаги ишлар муҳокама қилинган ва Хоразм вилояти тажрибаси маъқулланганди.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари фаолияти билан батафсил танишиб, уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Бунда аввало, ишни ташкил этиш кўлами, фаолиятининг савияси эътиборга олинади. Биринчи ва иккинчи гуруҳларга кирадиган вилоятларда ишда озмикўпми олдинга силжиш сезилади, шунингдек, кадрларнинг савияси ва ишга муносабатида ижобий ҳолларни кўриш мумкин. Учинчи гуруҳга мансуб вилоятларда эса иш қониқарсиз ташкил этилган.

Ишни яхши йўлга қўйиш учун вилоят кенгаши таркиби туман (шаҳар) кенгаши раислари, вилоят кенгаши депутатларидан ташкил топиши керак. Туман кенгашлари аъзолари таркибига туман кенгаши депутати киритилса, ҳудудий кенгашларга жойлардаги нуфузли кишилар жалб этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Партия анжумани очиқ мулоқот тарзида ўтиб, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари партия фаоллари саволларига батафсил жавоб беришди.

Сайёр раёсат йиғилиши якунида унинг иштирокчилари Хива шаҳридаги Маъмун академияси музейи, Урганч шаҳридаги мустақиллик йилларида барпо этилган диққатга сазовор жойлар ва Хивадаги миллийлигимиз таянчлари ҳисобланган меъморчилик обидалари билан яқиндан танишдилар.

**Ҳ. КАРИМОВ.**

### ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши томонидан «Иқтидорли болалар — келажак таянчи» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

**Партиянинг Пешку туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланиш — боқий партия» мавзуида тадбир ташкил этилди.**

* * *

ЎзМТДП Балиқчи туман кенгаши томонидан «Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

**Партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Камолот қизлари» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

* * *

ЎзМТДП Наманган туман кенгаши томонидан «Дин ва ёшлар» мавзуида учрашув ташкил этилди.

* * *

**Партиянинг Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар — миллат фахри» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

* * *

ЎзМТДП Пайариқ туман кенгаши томонидан «Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

**Партиянинг Ўзбекистон туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий қадриятлар боқийдир» мавзуида тадбир уюштирилди.**

* * *

ЎзМТДП Ғиждувон туман кенгаши томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

**ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.**

Партия ҳаёти

*ЎзМТДП Марказий кенгаши раёсатининг Урганчда бўлиб ўтган йиғилишидан сўнг мухбиримиз МК раиси Х.Дўстмуҳамедовга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.*

## ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ — ФАОЛЛИК!

**— Ҳурматли Хуршид Набиевич! Хабаримиз бор, март ойининг ичида партиямиз Марказий кенгаши раҳбарияти иштирокида барча вилоятларда ҳудудий партия кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди. Тиғиз муддатда бунча йиғилиш ўтказилишининг сабаблари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Мана, беш ойдирки, республикамиздаги барча сиёсий партиялар, шу жумладан "Миллий тикланиш" демократик партиямиз фаолиятида ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ҳукмрон. Бу ўзгариш республикамиз Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қонунчилик ташаббусида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритган қонун лойиҳалари билан боғлиқ. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг қабул қилинишини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан воқеалардан бири деб аташ мумкин. Ҳажман ихчам, яъни, 8 моддадан иборат Қонун жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида тарихий аҳамият касб этади. Шу қадар аҳамиятли ҳуқуқий асос яратилаётган бир пайтда сиёсий партия зудлик билан янги шароитларда фаолият юритиш учун шай турмоғи лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, мавжуд имкониятларни бир қур назардан ўтказиш, қуйи бўғин фаоллари ва вакиллари билан юзма-юз кўришиш лозим топилди. Февраль ойида бўлиб ўтган Марказий кенгаш раёсати шундай қарорга келди ва шу асосда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди.

**— Кечирасиз, сиз айтган Конституциявий Қонун Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган бўлсада, у 2008 йилнинг январь ойидан кучга киради, айтмоқчиманки, ҳозирдан унга тайёргарлик бошланиши эртароқ эмасми?**

— Мутлақо эрта эмас! Шу ўринда Республикамиз Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда маъруза қилган Юртбошимиз айтган бир гапни эслатиш жоиз деб ўйлайман: "Воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз керак..." Мен бу гапни сиёсий партиялар шаънига айтилгандек қабул қилдим. Тўғри-да, мана шундай бир пайтда сиёсий партия сусткашлик қилса, ўзининг ҳаракатчанлиги, уюшқоқлиги, етакчилигини намоён этмаса, у ҳаётдан орқада қолиб кетиши муқаррар.

Шунга йўл қўймаслик мақсадида биз аввало партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ишларини жадаллаштиришга, мумкин қадар тезроқ ниҳоясига етказишга киришдик. Ўзингизга (газетхонларимизга ҳам) маълум,

**(Давоми 2-бетда).**

Долзарб мавзу

## АДАШГАН ТАҚДИРЛАР

***Кейинги йилларда тилимизга «одам савдоси» маъносини билдирувчи «траффик» деган янги сўз кириб келди. Пул учун иймонини, диёнатини сотиб, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган ёш қизларни алдаб, уларни хориждаги ҳамтовоқларига қул қилиб сотаётган кишилар пайдо бўлди. Айрим қиз-жувонлар, афсуски, катта маошли иш, хорижда ўқиш ёки бадавлат хорижлик билан оила қуриш ҳақидаги эълонларга, уларни бераётган шахсларнинг алдовига чув тушиб қолишяпти.***

...Эри ташлаб кетгач, икки ногирон боласи билан қолган Моҳира кимдан нажот кутиш, бошини қаерга уришни билмай қолди. Ўзга шаҳарга келин бўлиб тушган, ота-онаси узоқда бўлса, яқин атрофда қариндош-уруғи бўлмаса, нима қилсин? Бунинг устига ҳеч қаерда ишламайди, тайинли касб-кори ҳам йўқ. Шуларни ўйлаб, иш қидиришга аҳд қилди. Қанча оворагарчиликдан кейин «Гўзаллик салони»га фаррош бўлиб жойлашди. Фақат маоши жуда кам экан.

Сартарошхонага келадиган аксарият аёллар хорижга бориб ишлаб, пулдор бўлиб келаётганлиги ҳақида оғиз тўлдириб гапиришарди.

Бу гапларни эшитиб Моҳиранинг ҳам ҳаловати йўқолди. Ахийри, сочини турмаклатиш учун тез-тез келадиган Шаҳло исмли аёлга маслаҳат солди:

— Чет элга ишга бормоқчийдим, бир айтувдингиз, танишим бор деб... Ёрдам берсангиз.

Шаҳло энди Моҳирага қизиқиб қарай бошлади.

— Ҳа, танишим бор. Эртага манави манзилга боринг, унинг олдига бирга ўтамиз, — дея бир парча қоғозни Моҳирага узатди.

Эртаси куни қоғозда кўрсатилган жойга борган Моҳира эшик олдида Шаҳлога дуч келди.

— Сизни Кореяга юбораман, у ерда қути чиқарадиган фабрикада ишлайсиз, — деди мезбон ортиқча мулозаматсиз мақсадга ўтиб. — Бир ойдан сўнг кетишингиз мумкин. Албатта, кетиш харажатларини олдиндан тўлайсиз.

— Қанча бўлади? — сўради Моҳира шошилиб.

— Икки миллион сўм.

— Икки миллион...

**(Давоми 2-бетда).**

Ният

## Ризқимиз бутун бўлгай...

*Ёмғир шаррос қуйяпти....*

*Дераза ортидан қушларнинг чуғур-чуғури эшитилади. Улар кейинги кунларда кетма-кет ёғаётган ёмғирдан нолишаётгандек гўё. «Этларим жунжикиб, патларим хурпайиб кетганидан ҳеч зоғга кўрингим келмаяпти», дейди мусича шеригига. Унисининг ҳам ҳасратидан чанг чиққулик. «Насибамни ердан териб ейман десам, ҳаммаёқ сув. Нозиккина оёқларим лойга ботиб қоляпти»...*



Чуғуруқ овози кучайгандан кучаяди. Мусичаларга яна «шериклари» ҳам қўшилишади.

Ёмғир шаррос қуйяпти...

Ёмғирдан ҳосил бўлган ҳалқоблардан замин гўё зах босиб кетгандек бўлса-да, сал шамол туриши билан бутун сувни бағрига сингдириб юбораётганининг гувоҳимиз. Энди гуллай бошлаган мевали дарахтлар ёмғир, шамол, салқин ҳаводан чўчиб, барг ёзолмай, тўла гуллолмай бир неча кун қуёш нурларига интиқ бўлишди. Чунки ҳавонинг ўзгаришига, кунлар илиқ-иссиқ бўлишига ишонишганди. Энди эса кута-кута ўз кучларини кўрсатмоқ исташди. Ҳар қандай «қаршилик» ҳам дарахтларнинг чамандек гуллашига, кечагина ҳувиллаб ётган теварак-атроф аста-секин кўркамлаша, кўкламлаша бошлашига тўсқинлик қилолмади. Дарахтлар намиқиб кетган бўлишса-да, барг ёза бошлашди. Ҳар баргики, кўм-кўк. Тикилиб қаранг, ялтиллаб турибди. Ҳали нозик, майин. Янги туғилган Самиҳнинг жажжи, пахтадек юмшоқ юзларидан андоза олгандек.

Ёмғир ёғяпти...

Иссиқ хонада ёзув-чизув, компьютер ишлари авжида. Деразадан ёғаётган ёмғирни жимгина кузатиб турган шогирдимизнинг дилидагиси тилига кўчди: «Бу барака ёмғири. Ишқилиб бизнинг қишлоқда ҳам ёғаётган бўлсин-да...» Ҳаммамиз беихтиёр унга қарадик. Йигитчанинг хаёли шу дамда лалми ердан бу йил ҳам арзигулик ҳосил олиш ниятида осмону фалакдан ризқ-насиба «ёмғири» ёғилишини интизорлик билан кутаётган олис қишлоғи одамларида эди. Шу куни водий ҳудудларида, Хоразм, Қорақалпоғистон, Самарқандда ҳам юртимиз, элимизга ризқ-насиба «ваъда» қилгувчи ёғаётганини англадик.

Кеча эрталабдан қуёш мўралаб қолди. Нурини ҳар ён соча бошлади. Олди иссиқ кунлар яқинлигига ишора эди бу. Илоҳим, хосиятли ёғингарчиликлар юртимизга қут-барака олиб келсин. Бободеҳқонимизнинг айни тилагани, сўрагани юз кўрсатсин. Кўпчиб турган ерларининг ҳосили мўл бўлсин. Шунда ризқимиз бутун бўлгай.

**Умида ФАЙЗИЕВА.**

**Амир Темур таваллудига 671 йил тўлди**

***Соҳибқирон даврида Ҳинд дарёси соҳилларидан Волга бўйларигача, Олтой тоғлари ва мўғул даштларидан Болқон ва Ўртаер денгизи субтропик тупроғигача бўлган ҳудудни эгаллаган буюк, қудратли империяни бунёд этишда инсонпарварлик ғояси энг муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Амир Темур қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлса, тўғри тадбир ва кенгаш билан, хатога йўл қўймаслик учун сергарлик ва эҳтиёткорлик билан иш тутган. Энг муҳими, қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, уни қилич ишлатмай амалга оширган.***

# СОҲИБҚИРОН ДАВРИДА АДОЛАТ

«Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, — деб ёзади Амир Темур. — Зулму ситам йўлини тўсдим. Ўз эрки билан менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукуматини қайтариб бердим ва уларни инъому эҳсон билан қадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим, бўйсунмаганларни эса қилмишларига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим».

Адолат тарафдори бўлган халқпарвар соҳибқирон мамлакатда жабр-зулм ва фиску фасод бўлмаслиги, осойишталик ва фаровон турмуш ўрнатилишини истар эди. Шу боисдан барча ҳокимларга қабиҳ ҳатти-ҳаракат, золимлик ва зўравонликдан, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш зарурлигини амр этган. Унинг таърифича, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг қашшоқланишига олиб келади, бу эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига ва салтанатнинг кучсизланишига сабаб бўлади. Шунинг учун солиқ ишларида деҳқоннинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг розилиги билан хирож тузугига мувофиқ, одилона иш тутиш қатъиян талаб қилинган. Солиқ тўпловчи олиқ-солиқни буйруқ бермай, яхши сўз билан олиши, калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормаслиги, уларни банд этиб, занжир билан кишанламаслик амр қилинган.

Соҳибқирон "Кимки бирон сахрони обод қилса, ё бирон боғ кўтартирса, ёҳуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ ҳирож йиғилсин", деб ҳукм чиқарган. Амалдорлар оддий фуқарога жабр-зулм қилса, бечораларга зарар етказган бўлса, етказилган зарарни амалдорлардан ундириб, жабр кўрганларга беришлари шарт ҳисобланган. Хароб бўлиб ётган ерларни эгаси обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берилсин, токи у ўз ерини обод қилиб олсин, дейди у яна бир қарорида.



Хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қуриш, бузилган кўприкларни тузатиш, йўл устида ҳар бир манзилгоҳга работлар қуриш ва йўлларни тузатиш, сақлаш ишларини бажарувчи соқчилар қўйишни буюрган. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликлари учун уларни муҳофазалаш вазифаси ҳам ўша соқчилар зиммасига юкланган. Бундай сиёсат Буюк ипак йўлини мўғул истилосидан кейин қайта тиклашга имкон яратди.

Амир Темурнинг фармони билан ҳар бир шаҳар ва қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилинган. Фақиру мискинларга лангархоналар, яъни йўловчилар қўниб ўтадиган жойлар, камбағал, етим-есирларга овқат бериладиган ғарибхоналар бунёд қилинган. Беморлар даволаниши учун шифохоналар қурилган, уларга хизмат қилиш учун эса махсус табиблар тайинланган. Маъмурий дор ул-аморат (ҳукмдор саройи), дор ул адолат (қозихона) ва бошқа иморату иншоотлар барпо этилган.

Соҳибқирон амалга оширган этносиёсат ижтимоий-иқтисодий ва маданий тадбирлар, давлат ва ижтимоий тузум ислоҳотлари Марказий Осиё халқлари — ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқа этник гуруҳларнинг консолидация ва интеграция жараёнига кучли таъсир ўтказган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Темур ва темурийлар даврида қадимги воҳалар атрофидаги чўл зонасида ишлаб чиқариш ривожланди. Феодал ер ва сув тузуми туфайли узилган алоқалар, минтақа тарқоқлигининг тугатилиши билан яна изга тушди. Мовароуннаҳр шаҳарларида рўй берган маданий ўзгаришлар, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожи асосида аҳоли этник харитаси ҳам ўзгарди. Қабилавий зодагонлар ўрнида янги маъмурий табақаларнинг пайдо бўлиши ва бошқа тадбирлар ўлкадаги этномаданий ва этносиёсий жараёнларга ҳам таъсир қилди.

Соҳибқирон инсон тарбияси — одоб-ахлоқи, уни адолатни севишга, ватанпарварлик ва инсонпарварликка ўргатишга катта аҳамият билан қараган. У ёшларнинг илмли бўлишини истарди. Шу боисдан ҳар бир шаҳарда масжиду мадрасалар қуриш, уламо-ю домлаларни моддий рағбатлантириш сиёсатини амалга оширди. "Яна тажрибамда кўриб билдимки, — деб ёзади у. — Давлат агар дину қоида асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади... Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим".

Ҳудуди катта, кўпмиллатли, ҳар хил диндаги ва ирқдаги Буюк империянинг тинч-осойишта, фаровон яшашини таъминлашга интилган Амир Темур мамлакатда қашшоқлик ва гадойлик, очлик ва тиланчилик каби иллатлар бўлмаслиги зарур деб ҳисобларди. Унинг махсус буйруқларидан бирида билагида кучи бор фақир-мискинлар ўз аҳволи, касбу корига қараб иш тутмоғи лозимлиги айтилади. Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга уни қайта тиклаб олиш учун хазинадан етарли даражада олтин бериш, деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмаса, керакли буюмларни етказиб бериб, унга ёрдам кўрсатиш ҳам соҳибқирон қатъий амал қилган ҳақиқий инсонпарварлик белгиси ҳисобланади.

Мамлакатнинг обод бўлиши барча тоифадаги фуқароларни иш ва маош билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш шарт-шароити билан белгиланади, албатта. "Темур тузуклари"да шундай ёзилган: "Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, хилватда ўлтирувчи (зоҳидлари)ни суюрғол, вазифа ва маош (нафақа) билан сийлансинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларига бирон вазифа берсинлар". Амир Темур мамлакатда ишлашга қобил, куч-ғайрати бор шахсларнинг текинхўрлик мақсадида гадойлик, тиланчилик қилишига қаттиқ қарши бўлган. Унинг фармони билан дайди, девоналарни иш билан таъмин қилиш, уйсиз-элсизларни уйли қилиш, гадойликни касб қилган соғлом кишиларни тўплаб, ишдан бўйин ўгирса салтанатдан ҳайдаб чиқариш ёки қул қилиб сотиш ҳукм этилган. "Ҳар мамлакатнинг гадойларига вазифа юклаб берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин", деб фармон чиқарган эди соҳибқирон. "Яна буюрдимки, — дейилади шу фармонда. — Ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач у ернинг гадоларини тўплаб кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчаси тамғалансинлар, токи бошқа гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатимдан йўқолади".

Марказий Осиё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг этник жиҳатдан халқ сифатида шаклланиши буюк хоразмшоҳлар ва темурийлар салтанатлари даврида бошлангани ниҳоятда аҳамиятлидир. Соҳибқирон ички ва ташқи сиёсатида этно-экология масаласи ҳам муайян ўрин тутган. Бу тарихий тажриба ҳозирги замон учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида шаклланган ўзига хос этномаданий ва этносоциал анъаналар маълум даражада шу кунгача сақланиб келаётир. Уларни чуқур ўрганиб, авайлаб, сақлаб, давр талабига мослаштириб, такомиллаштириш сиёсатчилар ва олимларимиз учун муҳим вазифа бўлмоғи керак, назаримда.

**Исо ЖАББОРОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.**

---

Тадбир

## СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

***Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё вилоят филиалида «Ижтимоий ҳимоя ва фаровон турмуш барқарор тараққиёт омилидир» мавзуида семинар ўтказилди.***

Йиғилишда асосий эътибор вилоятда яшаётган ёшларнинг сиёсий жараёнларга бўлган муносабатини шакллантириш, уларни сиёсий партияларга фаол жалб қилиш масаласига қаратилди.

Сиёсий партиялар етакчилари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари ўз маърузаларида, баҳс-мунозараларда ҳам шу ҳақда мулоҳазаларини билдиришди. Савол-жавоблар билан ўтган йиғилишда янги фикрлар, янги ғоялар туғилди.

— Ёшларнинг қалбига қулоқ солиш керак. Уларнинг ўй-фикрлари, режалари, орзу-умидлари, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишимиз лозим. Шу тариқа ёшларнинг ишончини қозониш зарур, — деди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдулла Холмирзаев.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, шунингдек, сиёсий партияларнинг «Ёшлар қаноти» фаоллари ёшлар билан янада яқин ҳамкорлик ўрнатиши зарурлигини таъкидлашди.

***Жуманазар АНОРОВ,***
***«Миллий тикланиш» мухбири.***

---

Жараён

# ННТларнинг жамият ривожидаги ўрни

***Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ ўз мақсадларини белгилаб олди. Халқимизнинг асрий орзусини ўзида мужассам этган бу режалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг янги жамият барпо этиш таълимотида ўзининг аниқ ифодасини топди.***

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқролик жамиятини қуришдан иборат экан, бу ўринда юртимизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Хусусан, улар шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий негизи ҳисобланади. Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар давлатнинг ишончли ҳамкори сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ҳукуматга ёрдам беради. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилотлар нафақат тор доирада фаолият олиб боради, балки кучли фуқаролик жамиятини қуришга интилаётган давлатнинг ижтимоий буюртмасини бажаради.

Ҳозир республикамизда 5000 га яқин ННТлар мавжуд бўлиб, улар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда олиб борилаётган ислоҳотларнинг давомийлигини изчил равишда ривожлантиришда бевосита давлатга кўмаклашиб келмоқда. Ўтган 2006 йилни эслайдиган бўлсак, ННТлар минтақамизда бир қанча йирик лойиҳаларни амалга оширдилар. Бу ўринда етакчи ННТлардан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми фонди", "Меҳр нури" жамғармаси, "Экосан" халқаро жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси фаолиятини ва бунга ўхшаш бир қанча мисоллар келтирса бўлади.

Масалан, "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми фонди" томонидан бир қанча олимпиада, кўргазма ва фестиваллар ўтказилди. Жумладан, "Навқирон Ўзбекистон", "Келажак овози", "Янги авлод" ва бошқалар. Биргина "Келажак овози" шиори остида ўтган танловда 10 000 дан ортиқ ёшлар қатнашдилар. Бундан ташқари, мазкур жамғарма ҳомийлигида вилоятларда ҳам хайрия тадбирлари ўтказилди. Масалан, "Меҳр нури" жамғармаси билан биргаликда 2006 йилнинг октябрь ойи бошида Қашқадарё вилоятида "Келажак овози" танлови вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда олти йўналиш бўйича 600 киши қатнашиб, 19 нафар ғолиб аниқланди. Ғолибларга махсус диплом ва компьютерлар топширилди. Бундан ташқари, вилоятда фонд ҳомийлигида Нодирабегим номидаги 2-умумтаълим махсус мактаб-интернатининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур 420 ўринли ўқув маскани қурилишига 750 миллион сўм сарфланган бўлиб, хайрия тадбирига "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми фонди" ва "Меҳр нури" жамғармалари ҳомийлик қилдилар. Шунингдек, ҳомийлар томонидан мактабга замонавий ўқув қуроллари совға қилинди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёшларнинг миллий онги ўсишига, Ватанга бўлган муҳаббатнинг ортишига хизмат қилади.

Маълумки, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Президентимизнинг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган "2007 — 2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Экология ва саломатлик кунлари" йирик тадбирида вилоятларга бир қанча саломатлик поездлари юборилди. Жумладан, вилоят поликлиникалари ва касалхоналарининг тиббиёт ходимларига, даволанаётган беморларга, кўп болалик ва кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида кийим-кечаклар, санитария-гигиена моллари, дезинфекциялаш препаратлари, кўрпа-тўшак ғилофлари ва шунга ўхшаш кундалик эҳтиёж моллари тақдим этилди. Бундай хайрия тадбирлари 2006 йилда йирик ННТлар томонидан бир неча бор уюштирилди.

Бундан ташқари, нафақат давлат ташаббуси билан тузилган ННТлар, балки фуқароларнинг ўз қизиқишлари билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Бунга мисол тариқасида "Армон" экологик ҳуқуқий маркази фаолиятини олиб кўрайлик. Марказ асосан аҳолига экология ҳуқуқи бўйича юридик маслаҳатлар беради.

Марказ ўтган йили Тошкент шаҳри ва вилоятларда бир қанча экологик тадбирлар ўтказди. Масалан, академик Содиқ Мираҳмедов (собиқ Саломатина) кўчасида Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси гранти асосида катта ободончилик ишларини амалга оширди. Анчадан буён ҳамманинг дилини хира қилиб, ён-атрофга ёйилиб ётган чиқиндихона тартибга келтирилди. Унинг ўрнида янги бино қурилди. Нон ушоқларини, сабзавот пўчоқларини, шиша идишларни, қоғозларни алоҳида-алоҳида топшириш учун махсус чиқинди қутилари қўйилди. Мазкур ННТ раҳбари Дилбар Зайнуддинованинг айтишича, бу лойиҳага 2,5 миллион сўм пул сарфланган. Масаланинг ижобий томони шундаки, чиқиндиларни қайта ишлаш мумкин. Ушбу лойиҳа юзасидан шаҳар маҳаллаларида ва вилоятларда катта тадбирлар ўтказилди.

Бундан ташқари, вилоятларда фаолият олиб бораётган ННТлар фаолиятига назар ташласак, улар ҳозирги кунгача бир қанча ижобий ишларни амалга оширганлигини Фарғона вилояти мисолида кўриш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, минтақадаги ижобий ишлар кўламини оширишда юртимиздаги йирик ННТларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда, чунки улар жойларда бир қанча бўлишига қарамай, ҳаммасининг ҳам молиявий аҳволи бир хил эмаслиги табиий. Шуларни назарда тутган ҳолди ЎзННТМА грантларини ютиб олган ННТлар ёки "Меҳр нури" жамғармасининг фаолиятидан кўпчилик хурсанд. Жумладан, 2006 йилда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси бўйича ЎзННТМА грантини ютиб олган Янгиобод қишлоғидаги "Тоза сув" жамоаси фаолиятини олиш мумкин. Шу грант асосида ҳозирги кунда қишлоқларда хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

**Рихситилла ИНОҒОМОВ,**
**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходими.**

---

# ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ — ФАОЛЛИК!

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

февраль ойидаги раёсат йиғилишида билдирилган очиқ-ошкора танқидий мулоҳазалар самара берди. Бир қатор вилоятларда аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказиш, уларга партиямиз аъзолигини тасдиқловчи янги билетлар ва ҳисоб карточкалари тарқатиш якунига етди. Шу аснода биз аъзолик бадали тўлаш интизоми кўрсаткичларини ҳам таҳлил қилдик. Афсуски, бу борада ҳали ҳам аҳвол бирмунча оғир.

— **Қайси вилотлар кўрсаткичини қониқарсиз дейиш мумкин?**

— Нисбатан олганда у ёки бу вилоят кенгашлари ишни дуруст йўлга қўйган дейиш мумкин, лекин нисбатан олгандагина шундай. Умуман эса барча ҳудудий кенгашларда камчиликлар бор. Айниқса, Фарғона, Наманган вилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида аҳвол анчагина қониқарсиз.

— **Партиямиз аъзоларининг умумий сони қанчага етди?**

— Ҳисоб-китобларимизга қараганда, ҳозир бу рақам 68 000 дан ўтиб бормоқда. Бу, кўпми-озми, деб сўрашади баъзан. Кам, албатта. Аъзоларимиз қанча кўпайса, шунча яхши-да! Турли тадбирларимизда бир нечтадан юртдошларимиз партиямизга аъзо бўлиш истагини билдиришганида ҳаяжонланиб кетасан, киши. Биз партиямиз хайрихоҳларининг, ундан аъзоларининг сони ой ва кун сайин ортиб бораётганидан мамнунмиз, албатта. Шу билан бирга, биз аъзоларимизнинг сифат кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олишни унутолмаймиз. Сифат кўрсаткичи деганда, аъзоларнинг партиямизга садоқати, зиммасидаги бурчни сидқидилдан адо этиши, интизоми ва табиий, фаоллигини назарда тутяпмиз. Партия мана шундай аъзолар ҳисобига қудратли ҳисобланади.

— **Апрелнинг учинчи куни Урганчда бўлиб ўтган тадбир хусусида ҳам тўхталсангиз?**

— 2006 йил кўрсаткичлари бўйича партиямизнинг Хоразм вилот кенгаши илғор деб топилди. Тажриба алмашиш мақсадида навбатдаги раёсат йиғилишини Урганчда ўтказишга қарор қилинган эди. Февраль ойидаги раёсат йиғилиши қарорининг бажарилиши масаласи Урганчда бандма-банд кўриб чиқилди. Бир йўла юқорида тилга олинган Конституциявий Қонун яратаётган имкониятлар, бераётган ҳуқуқларни адо этишга бўлган ҳозирлик масаласи Хоразм вилояти кенгаши мисолида таҳлил қилинди. Бунда бошланғич ташкилотлар, туман(шаҳар) кенгашлари, шунингдек, туман ва вилот кенгашлари депутатлари фаолияти, айниқса партия гуруҳининг тайёргарлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мисол учун Хоразм вилояти кенгашига партиямиздан сайланган 4 нафар депутат вилоятда ўзига хос нуфузга эга, масъул вазифаларда хизмат қилишади. Гуруҳ раҳбари Дилором Юсупова педагогика коллежи директори. Келгуси йилнинг январь ойидан кучга кирадиган Қонунда белгиланган ваколатларни юқори савияда бажариш учун мазкур гуруҳ аъзоларидан ўз фаолиятларини алоҳида масъулият билан ғоят да жиддий тарзда кўриб чиқишлари, алоҳида иш режалари тузишларига тўғри келади. Бу ишларда уларга партиямизнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари яқиндан ёрдам берадилар.

— **Ўз навбатида, фракция аъзоларининг зиммаларидаги вазифалар ҳам олдингидан анча ортади, шундайми?**

— Тўғри. Худди шу нуқтаи назардан фракциямиз аъзоларининг ҳар бирлари зиммасига алоҳида вазифалар юкланди. Ушбу вазифалар назарий, ташкилий, бевосита амалий йўналишда бўлиб, уларнинг бари битта мақсадга — Конституциявий Қонунда белгилаб қўйилган ваколатлар ижросини таъминлашга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятида мутлақо янги саҳифалар очиладиган давр келди, мазкур саҳифалар тарихий аҳамиятга молик воқеалар тафсилоти билан тўлиши эса еткачиларимиз, фаолларимизнинг ҳар қачонгидан жон куйдириб, фидойилик ва жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишларига боғлиқ бўлади.

**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА**
**суҳбатлашди.**

---

# АДАШГАН ТАҚДИРЛАР

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Моҳиранинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Менда бунча пул йўқ-ку.

— Жоним, бирор нарсадан воз кечмасангиз мақсадингизга етолмайсиз. Тилла тақинчоқларингиз бор экан, сотинг. Уйда мебелингиз бордир. Қариндошларингиздан қарз олинг. Пулни қанча тез олиб келсангиз, шунча тез кетасиз. Мана, менга қаранг, хорижга бир неча марта бориб келдим. Тагимда машина, бир неча квартирам бор. Сарфлаган пулингизни уч ойда икки баробар қилиб чиқариб оласиз. Ўйлаб кўринг.

Моҳира икки ҳафта ичида тилла тақинчоқлари, уйдаги жиҳозлари, гиламлари, ҳатто келинлик пайтидан бери авайлаб-асраб келган матоларини ҳам сотди. Аммо пул барибир мўлжалдагига етмади. Нима бўлса бўлар, уларда ҳам инсоф бордир, деган фикрда яна ўша таниш эшик қўнғироғини босди.

— Сизга икки миллион олиб келинг дегандим, бунингиз етмайди...

Моҳира ўрнидан зўрға турди. Яна шунча пулни қаердан олади? Оз эмас, кўп эмас, беш юз минг-а!

Ўйлаб-ўйлаб охири бир хонали уйини гаровга қўйди. Болаларини қўшни вилоятда яшовчи онасиникиға олиб бориб қўйгач, гаров пулини олиб, таниш эшикка яна бир бор қадам ранжида қилди.

— Сизга хушхабар бор, — дея кулиб кутиб олди уни аёл. — Мана ҳужжатларингиз тайёр, манови ерга имзо чексангиз бўлди. Энди фақат чипта олиш қолди, холос. Ҳа, айтганча пулнинг қолганини олиб келдингизми? — дея Моҳирага корейс тилида нималардир ёзилган қоғозни узатди.

Моҳира қалтироқ қўллари билан қоғозни қўлига олар экан, унга ёпиштирилган ўзининг сурати ва муҳрни кўриб тинчланди.

Ниҳоят, Моҳира кутган дамлар ҳам етиб келди. Тошкентга кетиш учун машинага чиқар экан, Шаҳло уни аэропортга кузатиб қўёлмаслигини айтди. Кейинги рейс билан албатта, етиб боришини таъкидлади. Тошкентга тунги соат учларда етиб бордилар. Моҳиранинг қўлига



паспорти, ҳужжатлари ва «Тошкент-Шаржа» деб ёзилган чиптани тутқазишди.

Самолёт Шаржага қўнди. Барча йўловчилар тушиб кетди. Салонда ҳеч ким қолмагач, стюардесса унинг манзилга етиб келганлигини маълум қилди.

— Мен Кореяга боришим керак, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор, — деди Моҳира саросимага тушиб.

— Балки чиптангизни аэропортда алмаштириб беришар, бунинг учун барибир пастга тушишингиз керак, — деди стюардесса қиз ёқимли табассум билан.

Моҳира ноилож пастга тушди. Носир исмли киши унга ёрдам бериш кераклигини эслади. Кимнидир бетоқат қидираётган кишининг олдига бориб, Носирни қаердан топиши мумкинлигини сўради. У эса бирдан қувониб, Носир ўзи эканлигини айтиб, ундан ҳужжатларини сўради. Моҳира ҳужжатларини бергач, Носир самолёт эртага учишини, бу кеча эса меҳмонхонада тунаш лозимлигини билдирди. Меҳмонхонага йигирма дақиқаларда етиб боришди. Моҳира кўримсиз бир хонага жойлашди. Орадан бироз вақт ўтиб, хонага савлатли, қарашлари кибрли бир аёл кириб келиб, ўзини Лилия деб таништирди. Ва Моҳирага кечқурун ишга чиқишини таъкидлади.

— Қанақа иш? Мен ахир, Кореяга учишим керак-ку! — дея ажабланди Моҳира.

— Ўзингни гўлликка солма. Бу ерга нима учун келганингни жуда яхши биласан. Сени тўрт минг долларга сотиб олганман.

Шундан кейингина Моҳира алданганини тушунди... Биз албатта, мақоладаги кишиларнинг номларини ўзгартириб, воқеани баён қилдик.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ фуқаролар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар фуқаро воситачилик фирмалари орқали чет элда иш излаётган бўлса, мазкур фирма ходимлари уларга иш кучини олиб келиш ва олиб чиқиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)ни кўрсатиши шарт. Бу рухсатнома мазкур вазирликнинг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилади.

Сўнгги йилларда республикамизнинг 7 та шаҳрида нодавлат, нотижорат ташкилот — «Истиқболли авлод» ахборот-маърифат ёшлар маркази ташкил этилди. Жумладан, ҳозирги кунда Жиззах вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошида ана шундай марказ фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда марказ жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ушбу глобал муаммога қарши курашда юртдошларимизга ҳуқуқий ва психологик маслаҳат бераётир.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.**

---

Миллий халқ ўйинлари

# Лойиҳа иш бошлади

"Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан "Янги эски шаҳар" лойиҳаси доирасида миллий халқ ўйинлари тадбири ўтказилди.

Унда "Янгиобод", "Эшонгузар", "Зангиота", "Янги Камолон", "Қоратош" маҳаллаларида истиқомат қилувчи 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган жами 831 нафар бола иштирок этди. Улар арғимчоқ, бекинмачоқ, ким кучли, қувноқ чавандозлар, кўз боғлаш, арқон тортиш, от ўйини, тўп тепиш, хўрозлар жанги каби ўйинлар орқали куч синашдилар.

Асрлар оша шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий халқ ўйинларини ташкил этиш, бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшларда миллий спорт ўйинлари билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжни қондириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

"Янги эски шаҳар" лойиҳаси доирасида миллий халқ ўйинлари Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, "Маҳалла" жамғармаси, ички ишлар бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкилотчилари ҳамкорлигида декабрь ойига қадар ўтказилади.

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**"Миллий тикланиш" мухбири.**






# Орзу-умидлар айёми

*Наврўзи олам — шарқона янги йил ўзининг янгиланиш, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир.*

*Наврўз ҳаётимизда бўладиган тўйлар, базмлар, тантаналар бошланиши палласи. Кечагина янги уй остонасини ҳатлаб кирган келинчак эрталабдан туриб уй-жойларга оро беради. Оила аъзолари дастурхон атрофига тўпланаркан, ўзининг ибоси, ҳаёси билан ҳатто бешикда ётган болажонгача келин саломни йўллайди.*

*Наврўзи олам маҳалла-кўй, қўни-қўшниларни катта дошқозонларда сумалак пишириб, барчага улашадиган дамлардир.*

*Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳаллада ҳам сумалак пиширилиб, барчага тарқатилди. Маҳалланинг ташкил этилганига яқинда 20 йил тўлади. Наврўз байрами уларга қўшалоқ шодлик олиб келди.*

**Адиба ФАЙЗ.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

Қоғознинг яратилиш тарихидан

# КИГИЗ УСТАЛАРИ КАШФИЁТИ

**Қоғоз дастлаб қачон ва қаерда пайдо бўлган, деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Хитой солномаларининг хабар беришича, қоғоз дастлаб хитойлик Чай Лун томонидан иккинчи асрда ихтиро қилинган экан.**



Лекин сизу биз билган қоғоз Хитойда эмас, балки Ўрта Осиёда кашф қилинганини европалик тарихчилар аниқлаб беришди.

Бир замонлар ҳеч ким намат босишда ўртаосиёликлар олдига туша олмаган. Кунлардан бир куни подшо кигиз усталарини ўз ҳузурига чақиртириб, хат ёзадиган бирор нарса (қоғоз) тайёрлашни буюради. Усталар узоқ вақт бош қотириб, ниҳоят қоғоз тайёрлаш йўлини топишади. Бунинг учун улар ипак мато қийқимларини тош орасида обдон эзишади. Натижада ниҳоятда ҳарир толалар ҳосил бўлади. Бу толаларни катта бир сувли идишга солишади. Сув юзаси юпқа ипак парда билан қопланади. Усталар катта ғалвир олиб уни бир чеккадан сувга ботирадилар ва ғалвирда юпқа парда қолади. Уни қуритиб, ғалвирдан кўчириб оладилар. Қарабсизки, ҳарир толаларнинг бир-бирига чирмашиб ёпишишларидан бинойидек қоғоз ҳосил бўлибди. Дастлабки қоғоз шу тарзда ҳосил қилинган. Орадан бирмунча вақт ўтгач, юқорида номи зикр этилган Чай Лун қоғозни зиғирпоя, луб, бамбук, латта-путта, похол, ўтлардан ҳам ясаш мумкинлигини маълум қилган эди.

XV-XVI асрлардан эътиборан, Европада китоб босиш жорий этилиши муносабати билан қоғоз кўплаб ишлаб чиқариладиган бўлди. XVIII аср охирида саноатда туб ўзгаришлар рўй бериб, ҳунармандчилик-мануфактура ишлаб чиқаришидан машина ишлаб чиқаришга ўтилдики, бу ҳол қоғоз тайёрлаш техникасида ҳам туб ўзгаришлар ясади. XIX аср ўрталарига келиб қоғоз тайёрлайдиган машина узлуксиз ишлайдиган ва анчагина автоматлашган мураккаб агрегатга айланади.

Ниҳоят, бизнинг замонамизда қўлга киритилган ютуқлар ва целлюлоза олишдаги кимёвий жараёнларнинг такомиллашуви туфайли қоғоз ишлаб чиқариш мураккаб кимё цехларига эга бўлган саноат тармоғига айланди.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

Қатралар

**Бир ҳафта тинмай майдалаб ёмғир ёғди. Унинг сувлари йиғилиб охири йўлакда катта кўлмак ҳосил қилди. Ўтган-кетганга ноқулай. Энди бу кўлмакни айланиб ўтиш керак.**

## КЎЛМАК



Уни кунда, кунора йўлимда учратаман. Таъбир жоиз бўлса, уни дўстим деб атай қолай. Унинг суҳбатларидан ҳафталаб ёққан ёмғирдек дилим зада бўлаверади. Ғийбатларидан гўё менга ҳаво етмай қолаётгандек қийналавераман.

Афсуски, кўлмакдан айланиб ўтгандек уни четлаб ўтишнинг иложи йўқ. Болаликнинг яхши томонларидан бири — ким сенга ёқмаса, сен билан ўйнамайман дейсан, қутуласан. Аммо катталарнинг ўйинида бундай қонунлар афсуски, йўқ экан.

## ҚУЁШ



**Бир ҳафта тинмай майдалаб ёмғир ёғди. Худдики қайтиб қуёшни кўрмай қолаётгандек одамлар безовта. Тинмай осмонга қарайверишади. Ниҳоят, чарақлаб қуёш чиқди. Барчанинг дили равшан тортди.**

Уни кунда, кун ора кўргим келади. У сўз билан дардингизни олади. Суҳбатига тўймайсиз. Унинг ташрифи гўё ҳафталаб ёққан ёмғирдан сўнг чиққан қуёшга ўхшайди.

Болалик даврининг яхши томонларидан бири — барча бола бирдек беғубор бўлади. Аммо йиллар ўтиб бу хислат ҳаммада ҳам сақланиб қолмас экан. Кимнинг кўнглида шу хислат яшаётган бўлса, у сизга яхши дўст бўла олади.

## ХУЛОСА

**Майлида, иккиси ҳам омон бўлсин. Муҳими, атрофимда яхшими, ёмонми, одамларнинг борлиги!**

**Бирни кўриб фикр қил, кўпни кўриб шукр қил, деб шунга айтсалар керак-да.**

**Муҳаммад СИДДИҚ.**

**Борадиган жойимга тонгда кетишим, ишга ҳам иложи борича эртароқ боришим керак эди. Автобус, трамвай кутиб ўтиришга вақт йўқ. Такси тўхтатдим. Машинанинг эшигини очиб биринчи кўзим тушган нарса қўлтиқтаёқлар бўлди. Йўл-йўлакай билдимки, шофёрнинг бир оёғи йўқ... Лекин юзида хотиржамлик.**

# САБРЛИ КИШИНИНГ КЎНГЛИ ХОТИРЖАМ

## ёхуд аммамнинг оппоқ сочлари англатган ҳақиқат

Беихтиёр оёқларимни пайпаслаб қўйдим... Кўнглим жойига тушгандек бўлди... «Ўзингга шукр», — деб қўйдим...

Серқатнов йўлакда ҳар куни бир одам сигарета ва писта каби майда-чуйдалар сотиб ўтиради. Кийимининг бир енги ҳамиша бўш, силкиниб туради. Бир қўли йўқ. Қизиқ, бу киши авваллари ҳам шу ерда ўтирарди, нега эътибор бермагандим. Бўш енгга қараб туриб, нохос сумкамни ўнг қўлимдан чап қўлимга ўтказдим... Бу гал «Ўзингга шукр» хитоби хўрсиниқ бўлиб чиқди бўғзимдан. Бу худбинликми? Йўқ. Бундай бўлмаса керак. Худбин бўлганимда, ҳозир бу одамга раҳмим келмаётган бўларди. Мен ҳозир унга ачиняпман, бироқ билмайман-ку, балки у мендан кўра ҳаётда бахтлидир... Энг сабрли одамлар кўнгли хотиржам одамлар эканлигига кўп гувоҳ бўлганман. Улар борига шукр қилиб яшашади...

«Эй, шунақа ишлар экан-да, қандоқ қиламиз энди». Бу гапни Саодат аммамдан кўп эшитаман. Асли у киши онамнинг аммалари. Негадир бу аёлни барча қариндош-уруғлар амма деб атаймиз. Ҳатто қўни-қўшнилар ҳам шундай чақиришади. Барча бирдек ҳурмат қилади, чўчиб ҳам туришади. Онамнинг айтишларича, аммам ёшликда жуда чапани аёл бўлган эканлар, унчамунча эркаклар ҳам ботиниб гапира олишмас экан. Аммамга оналари: «Саодат, шу қабристонимиз жуда зах жойда-да, ётадиган жойингнинг қуруқ бўлгани маъқул», — десалар, у киши: «Э, буви (шевада), ўлганингдан кейин қаерга қўйса, ўша ерда ётасан-да», — деб жавоб берар эканлар.

Ҳозир аммамнинг ёшлари саксондан ошди, ўзлари ҳам кичкинагина бўлиб қолганлар. Рўмоллари остидан чиқиб турган сочлари оппоқ. Баъзан ўтган кунларни эслаб, гапириб турганларида хира тортган кўзлари чақнаб кетади, ёшлик хотираларини эшита туриб, онамнинг гаплари бежиз эмаслигига ишонаман.

Кичкиналигимда Саодат аммамларникига кўп борар эдик. Биттагина ўғиллари бор эди, у ҳам амма деб чақирарди. Мен ҳайрон бўлардим: «Нега онасини амма деб чақиради, нега аммам ўзлари қари бўлсалар ҳам ўғиллари ёш», — деб. Саволларимга эсимни танигач жавоб топдим.

Турмуш ўртоқлари Неъматжон ака иккинчи жаҳон урушига кетганда, аммам олти ойлик келинчак бўлган эканлар. Неъматжон ака ўғли туғилганини ҳам урушда эшитган. Бироқ фарзанди дийдорини кўриш насиб этмаган. 19 ёшда бева қолган эканлар. Шу бўйи турмуш қурмаганлар, биттагина ўғилларини бегона одамларга жовдиратмаслик учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаганлар. Бироқ тақдир яна терс келади, келин олиб, набира кўрдим деганларида ўлим ёлғизгина фарзандларини ҳам олиб кетади. Ёш умрини ўтказмасин деб, келинни уйидагилар олиб кетиб, бошқа бировга турмушга узатишади. Аммам ҳувиллаган ҳовлида ёлғизгина набиралари билан қоладилар...



Мен аммамдан яна кўп нарсаларни сўрагим келади, лекин у киши ҳамма нарсани ҳам айтавермайдилар. Бу галги суҳбатимизда аммам турмуш ўртоқлари ҳақида гапира туриб: «Бўйлари баланд, келишган, чиройли одам эди», — деб қолдилар. Ҳайрон бўлдим, аммам ҳеч қачон бу оҳангда гапирмас эдилар. Тақдирнинг аммам юзларида қолдирган изларига термулиб эзилиб кетдим. Ахир, бир пайтлар аммам ҳам ёш бўлганлар, дадил-дадил қадам босганлар, дангал-дангал гапирганлар. Ҳаёт бошларига не-не қора кунларни солмаган аммамнинг, бироқ ҳеч қачон булар ҳақида нолиб гапирганларини эшитмаганман. Ҳеч қачон баъзи бировларга ўхшаб сабру тоқатдан сафсата сотмайдилар. Яхши одамлар ўзларининг яхши эканликларини билмаганликлари учун ҳам яхшидирлар, назаримда. Саодат аммамни таниган-билганлар, қариндош-уруғларнинг суҳбатларида: «Сабрни аммамдан ўрганиш керак», — деган гап тез-тез такрорланади.

Бугун аммамнинг бағрилари тўла. Мен кичкиналигимда ўғиллари деб ўйлаб юрган набираларини уйлантирганлар. Бири биридан ширин уч нафар чеваралари бор. Бағрилари тўла дедим, тўламикан асли? Ёшликларини, ғамли кечган йилларни ўйлаганларида кўнгиллари армонлардан, аламлардан ўртаниб кетса керак... Лекин барча қийинчиликларни ирода кучи билан енгиб ўтганлари учун ҳам кўнгиллари хотиржам...

Ўша — доимий йўлимдан ҳар куни ўтаман. Бир қўли йўқ сотувчи, ҳилпираб турган бўш енг... Энди у одамга ачиниб қарамайман. Йўқ, бу худбинлигимдан эмас. Ахир, ҳамма гап кўнгил хотиржамлигида, ирода кучида. Бу куч билан эса ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтса бўлади. Аммамнинг, муштипаргина Саодат аммамнинг оппоқ сочларидан англаган ҳақиқат бу.

**Зумрад ВАҲОБОВА.**

# Жаҳон ҳафта ичида



## ҚАДИМИЙ ХАЗИНА ТОПИЛДИ



***Грециянинг Кефалиния оролида ишлаётган археологик экспедиция Рим даврига оид қабрни топишга муваффақ бўлди...***

Ушбу қабр турли бойликларга мўл бўлиб, у ҳанузгача қароқчилар ва бойлик иштиёқмандларининг назаридан четда қолиб келаётган экан.

Тошдан қурилган ушбу қабр Фискардо қишлоғи атрофидан топилган. Қабр анча катта бўлсада, у ҳамон атрофдагиларнинг эътиборни тортмай келаётгани қизиқ. Шу сабабли ҳам археологлар жуда бой "ўлжа"ни қўлга киритишди: барг шаклидаги соф олтин тақинчоқлар, сирға ва узуклар, тангалар, сопол идишлар ва бронзадан ясалган қулф. Катта иморатнинг ичида яна бир қабр бўлиб, жасад айнан унинг ичида жойлашганлиги тахмин қилинмоқда.

Қабрдан сал узоқроқда кичикроқ амфитеатрни ҳам топишга муваффақ бўлишди. Олдинги мавсумда Фискардо қишлоғи атрофидан уйлар ва ҳаммомларнинг пойдевори ҳамда қадимий қабристон топилган эди. Қадимий қишлоқ эрамизнинг II-IV асрларига тўғри келади.

## МУШУК ҲАҚИДА ҚИММАТБАҲО КИТОБ



***Америкадаги Grand Central Publishing нашриёти Айова штатининг Спенсер шаҳридаги кутубхонада 19 йил яшаган мушукнинг тарихини чоп этиш ҳуқуқини сотиб олди. Ноширлар ушбу китобни чоп этиш учун 1,25 миллион доллардан воз кечишди. Танқидчиларнинг айтишича, ҳайвонлар ҳақидаги феноменал китоб дунёга келмоқда.***

Энди мушук ҳақида икки оғиз сўз. Ушбу мушук Спенсер кутубхонасида 1988 йилда ўқишдан қайтарилган китоблар орасида келиб қолган эди. Дьюи Ридмор Букс деб номланган ушбу мушук кутубхона штатига киритилган ва 19 йил давомида шаҳарнинг асосий осори-атиқаларидан бири сифатида шуҳрат топган эди. Ҳатто унинг суратлари АҚШда нуфузли саналмиш USA Today ва The Washington Post сингари газеталарнинг ҳам саҳифаларини безаган. 2006 йилда эса унинг ўлими АҚШ жамоатчилигининг асосий мавзусига айланганди.

Мушукнинг тарихини кутубхонанинг ходималаридан бири Вика Майрон ёзишга аҳд қилган. Ушбу китоб "Дьюи, шаҳарча, кутубхона ва дунёдаги энг севимли мушук" деб номланиши ҳозирданоқ маълум. Ноширлар эса ҳозирданоқ ушбу асарнинг муваффақият қозонишига шубҳа қилишмаяпти.

## ҲАЙДОВЧИГА СЎРҒИЧ...



***Таиланд полицияси душанбадан бошлаб ҳайдовчиларга нордон сўрғичқандларни тарқата бошлади. Полицияларнинг таъкидлашича, ушбу сўрғичларга будда монахлари дам солишган ва бу ҳайдовчиларни ҳалокатдан асрайди.***

Таиланд полицияси мамлакатда кенг нишонланадиган янги йил байрами олдидан рўй берадиган ҳалокатларни ана шу восита ёрдамида бартараф этмоқчи.

Байрам кунларида автоҳалокатларнинг сони кескин ошиб кетади. Бунинг сабаби ҳайдовчилардаги чарчоқдир. Тарқатилган нордон сўрғичқандлар ҳайдовчиларни тетиклаштиради ва уларнинг ухлаб қолишига йўл қўймайди, деб ишонтиришмоқда маҳаллий назоратчилар.

Сўрғичларнинг 140 минг пакетдан иборат дастлабки партияси будда монастири томонидан хайрия қилинган пулга тайёрланган. Ўтган якшанба куни монастир кузатувчиси ва салкам уч мингга яқин монах ушбу сўрғичларга дам солишди.

Дарвоқе, Таиланд полицияси ушбу восита ёрдамида ҳалокатлар сонини ўтган йилга нисбатан 15 фоизга қисқартиришни режалаштириб турибди. Ўтган йилги байрамда ҳалокатлар 500 кишини бу дунёдан олиб кетган эди.

## МАЙЛС ДЭВИС ҲАМОН БИРИНЧИ



***Марҳум созанда Майлс Дэвис (1926-1991) ижросидаги учта композиция барча вақтларнинг энг яхши ўнта жаз асари рўйхатидан ўрин олди.***

Ушбу рўйхат theJazz.com радиостанцияси тингловчилари фикрлари асосида тузилган. Созанда ижросидаги барча асарлар 1959 йилда чиқарилган «Kind of Blue» пластинкасидан ўрин олган. Иккинчи ўринни эса Жон Колтрейн эгаллади. Унинг иккита асари ушбу рўйхатга киритилган.

Ушбу рўйхатдан ягона тирик созанданинг номи ўрин олган. У 27 ёшли англиялик фортепианочи Жейми Каллемдир. Тингловчилар унинг 2003 йилда эфирга чиққан «Twentysomething» композициясини юқори баҳолашган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Янги спектакль

# ИТАЛЬЯН ДРАМАТУРГИ АСАРИ САҲНАДА

***Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси жаҳон драматургиясига яна бир бор мурожаат этиб, навбатдаги янги саҳна асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этишга ҳозирлик кўрмоқда. Машҳур итальян драматурги Эдуардо де Филиппонинг «Неапол — миллионерлар шаҳри» спектакли режиссёр Александр Гамиров талқинида саҳналаштирилялти.***

Эдуардо де Филиппонинг номи театр санъати мухлисларига яхши таниш. Унинг қаламига мансуб пьесалар жаҳоннинг бир қатор театрларида муваффақият билан намойиш этилмоқда. Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда амалга оширилаётган бу лойиҳани Италия элчиси жаноб Анжело Персиани қўллаб-қувватлади. Элчихона ўзбек томошабинларини Италиянинг театр, опера, мусиқа ва кино санъати ютуқлари билан яқиндан таништириш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.



Яқин кунларда Миллий академик драма театри саҳнасида намойиш этиладиган янги спектаклда томошабинлар мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган бир оила тарихи билан танишадилар. Оиланинг ҳар бир аъзоси камбағалликдан қутулиш, тангликдан чиқиб кетиш учун оғир йўлларни танлашга мажбур бўлади, аммо бу улар учун осон кечмайди. Чунки пьеса муаллифининг фикрича, инсон ўзлигидан кеча олмайди.

Янги спектаклдаги асосий ролларни театрнинг таниқли актёрлари Муҳаммадали Абдуқундузов, Зуҳра Ашурова, Дилбар Икромова, Рихсивой Авазов, Саида Раметова, Қаҳрамон Абдураҳимов, Фатхулла Маъсудов, Абдураим Абдуваҳобов ҳамда бир гуруҳ ёш актёрлар ижро этадилар.

Таржимон — Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, саҳналаштирувчи рассом — Ўзбекистон санъат арбоби Шуҳрат Абдумаликов, либослар бўйича рассом — Севара Зуннунова.

Спектакл премьераси яқин кунларда бўлиб ўтади.

**Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 323. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1934. Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди 21.30